

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ЕР ЭГАЛИГИ
Тоштемирова Д. К., 110- гурух 2 педиатрия ва тиббий биология
факултети

Илмий раҳбар: доцент, т.ф.н., Каримова М.Ж.

ТашПТИ, Фуқаролик жамияти, педагогика ва психология кафедраси

Долзарблиги: Ўзбекистон тарихини биз ёшлар билишимиз мозийдан кўплаб сабоқ олишимиз, эртанги кунимиз учун керакли хулосани қила олишимиз учун керак. Бу эса мавзуимизни долзарблигини оширади. Бугунги кунда биз ёшлар бобокалонимиз А.Темур даврини билишимиз, керак бўлганда шу даврдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганишимиз, эртанги кунимиз учун дастурамал бўлиб хизмат қилиши бу мавзунинг долзарблигидир.

Мақсад: Амир Темур даврида ер эгалиги 4 га бўлинган бўлиб, давлат ерларига, мулк ерларига, вақф ерларига ва жамоа ерларига бўлинган. Бу ерлардан жуда кўплаб одамлар фойдаланиб, бу ерларга хар -хил экинлар экиб давлатдаги одамларни сарҳил мева- чевалар, полиз экинлари, узумзорлар қилиб бозорларни шу ҳилдаги нарсалар билан тўлдириб, бозорларда арзончилик бўлган. Бу ҳақда Самарқандга келган испан элчиси Руи Гонзалес Де Кловихо ўзининг кундаликларида бозорларнинг нарсаларга тўлалигини ва арзон бўлганлигини ҳавас билан ёзган. Амир Темур даврида бозорларда кулоч етмайдиган қовунлар ва тарвузлар, думбаси ерга тегай деган қўйлар, иссиқ бўрсилдоқ нонлар, зарғалдоқ шафтолилар ва бошқа хар-хил сарҳил мева чеваларнинг беҳисоблиги ва ранг баранглиги билан хориждан келган элчиларнинг ҳавасини келтирган.

Бу албатта ерларни халққа тегишли бўлган қисми жамоа ерлари бўлиб ундан бутун қишлоқ аҳли фойдаланиб ерга экин экишган. Дехқонлар ўзларидан ортган маҳсулотларни бозорларга олиб чиқиб сотганлар. Шунинг учун ўша даврда тўкин- сочинлик бўлган.

Амир Темурнинг ўзи Самарқанд шаҳрида 12 та боғ қилгани ҳақидаги фикрлар мавжуд. Самарқанд шаҳрининг ҳар бир ховлининг эгаси ҳам ўз ховлисига мевали дарахтларни экишни одат қилган. Шунинг учун пишиқчилик даврида мевалар кўпайиб, баъзи одамлар улардан қоқи солиб қиш учун тайёрлаб қўйишган.

Амир Темур Ўз ўғилларига суюрғол ерларини бўлиб берган. Бу ерлар бир қишлоқдан бошлаб бир вилоятга тенг келадиган ерни ташкил қилган. Суюрғол ерлар давлат олдидаги хизматлар учун берилган. Суюрғол ерлари вақти-вақти билан тафтиш қилиб турилган. Кимда-ким Суюрғол ерини ўз холига ташлаб уни хароба холига келтирса бу ер бошқа муносиб деб топилган кишига тақдим қилинган. Шундай қилиб Амир Темур ўз давлатида тартиб-интизом ўрнатган.

Натижалар муҳокамаси: Талабалар ўртасида сўров ўтказилганда Амир Темур даврида ер эгалиги ҳақида талабалар ўз фикрларини берганда, бу даврдаги ижтимоий жараёнларга улар томонидан ижобий баҳо берилди.

Хулоса: Тарихни билиш , уни урганиш биз ёшларда аجدодлардан бугунги кунимиз учун тўғри йўналиш олишимизда жуда керак бўлиб Амир Темур давридаги ижобий жараёнларни ҳаётимизга татбиқ этишда бу муҳим омилдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Самсонова, И. В., et al. "Вертебрально-базиллярная недостаточность: проблемы и перспективы решения." Вестник Витебского государственного медицинского университета 5.4 (2006): 5-15.
2. Nazarova, Gulchexra. "Назарова ГУ ВОЗМОЖНОСТИ ЛУЧЕВОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ТАЗОБЕДРЕННЫХ СУСТАВОВ У ДЕТЕЙ ПЕРВОГО ПОЛУГОДИЯ ЖИЗНИ." Архив исследований (2020): 6-6.